


Абул Қосим Убайдуллоҳ



06:00 / 09.08.2021 2153

Имом, хатиб Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳяд Кушоний. *(Изоҳ: Кушон – Самарқанддан 12 фарсах узоқликда жойлашган Суғд шаҳарларидан бири. Санкабос ҳам Самарқанд қишлоқларидан).*

Сиқа, кўп ҳадис ривоят қилувчи, муснид.

410 йил атрофида таваллуд топганлар.

Муҳаммад ибн Ҳасан Боҳилий, Али ибн Аҳмад ибн Рабиъ Санкабосий, Абу Саҳл Абдулкарим Калободий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар.

Бу кишидан Иброҳим ибн Яъқуб Кушоний, Осаф ибн Муҳаммад Холидий, Ато ибн Молик ибн Аҳмад Наққош, Абул Маъолий Муҳаммад ибн Наср Мадиний ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

502 йил ражаб ойида вафот этганлар.

Шайх, муснид, садук Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳожиб Кушоний Самарқандий. «Саҳиҳи Бухорий»ни 320 йилда энг олий санад билан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Фарабридан эшитиб, ривоят қилганларнинг охириларидан.

Бу кишидан ҳофиз Ҳасаннинг укалари Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Муҳаммад Халлол, Абу Саҳл Аҳмад ибн Али Абийвардий, Абу Тохир Муҳаммад ибн Али Шужоъий, Абу Абдуллоҳ Ғунжор, Умар ибн Аҳмад ибн Шоҳин Самарқандий

ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Саъд Идрисий: «Кушоний 391 йилда вафот этганлар», – деганлар.

Муътаман Сожий айтадилар: «Кушоний 392 йилда вафот қилганлар».

Узоқ умр кўрган шайх эдилар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан